



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ

# БАНКЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ

2022 йил I ярим йиллик якуни бўйича

---

ТОШКЕНТ 2022

## Кредитлаш ва кредит портфели сифати

Банклар томонидан 2022 йилнинг январь-июнь ойлари давомида **87 трлн сўм** миқдорида (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **10 фоиз** ортиқ) **кредитлар ажратилган**.

*Маълумот учун:* жорий январь-июнь ойларида банклар томонидан ўртача ойлик ажратилган кредитлар **14,5 трлн сўмни** ташкил этган.


Мазкур кредитларнинг **70 фоизи** (61 трлн сўм) корпоратив ва **30 фоизи** (26 трлн сўм) чакана кредитлари ҳиссасига тўғри келади (1-диаграмма).

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш ҳамда **айланма маблағларни** тўлдириш учун 18 трлн сўмлик револьвер кредитлар берилган.

Шунингдек, ажратилган кредитларнинг 26 фоизи қисқа муддатли ва 74 фоизи **узоқ муддатли**, валюталар қирқимида эса 66 фоиз кредитлар **миллий валютада** ва 34 фоиз **хорижий валютадаги** кредитлар ҳиссасига тўғри келган.

Мазкур даврда тижорат банклари томонидан **64 трлн сўмлик** кредитлар сўндирилган бўлиб, уларнинг **қайтувчанлик даражаси 73 фоизни** ташкил этган.

1-диаграмма




Банкларнинг **жами кредит портфели** 2022 йилнинг 1 июль ҳолатига **344 трлн сўмни**, уларнинг **77 фоизини** корпоратив кредитлар, **23 фоизини** чакана кредитлар ташкил этади (2-диаграмма).

Жами кредит портфели қолдиғи жорий йил бошига нисбатан **5 фоизга ёки** 17 трлн сўмга (йиллик ўсиш 14 %) ошган. Корпоратив кредитлар **2 фоизга**, чакана кредитлар эса **16 фоизга** (11 трлн сўм) ўсган.

Чакана кредитлар ўсиши микроқарзлар қолдиғининг **5,7 трлн сўм** (жами ўсишнинг 52 фоизи), ипотека кредитларининг **4,7 трлн сўмга** (43 фоиз), таълим кредитларининг **436 млрд сўмга** (4 фоиз), автокредитларнинг 422 млрд сўмга (4 фоиз) ўсиши ва бошқа истеъмол кредитлар қолдиғи 943 млрд сўмга камайганлиги билан изоҳланади.

2-диаграмма




Шунингдек, кредит портфелининг йиллик энг юқори ўсиши 2022 йилнинг 1 апрель ҳолатида (20 фоиз) кузатилган бўлиб, бунда миллий ва хорижий валютадаги кредитлар 20 фоизга ошган.

Бугунги кунда, банкларнинг жами кредит портфелининг долларлашув даражаси **48 фоизни** ташкил этган бўлиб, жорий йил бошига нисбатан **2 фоиз бандга** пасайган (3-диаграмма).

Мазкур ҳолат, банкларда хорижий валютада кредитлар ажратилиши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1 фоиз бандга камайганлиги ва уларнинг қайтувчанлик даражасининг 60 фоиздан **76 фоизгача** ошганлиги билан изоҳланади.

3-диаграмма



### Кредит портфели сифати

Банк тизимида **NPL** улуши жорий йилнинг 1 июль ҳолатига **4,9 фоизни** (16,8 трлн сўм) ташкил этиб, жорий йилнинг ўтган даври бўйича **ўртача 5,2 фоизда** шаклланган.

Маълумот учун: 2022 йил 1 июль ҳолатига тижорат банклари кредит портфелининг **82,9** фоизи “стандарт”, **12,2** фоизи “субстандарт” кредитлар сифатида таснифланган.

Бунда, **NPL** корпоратив кредитлар бўйича жорий йил бошига нисбатан **0,1 фоиз** бандга пасайиб, **4,7 фоизни**, чакана кредитларда эса **1,3 фоиз** бандга пасайиб, **5,4 фоизни** ташкил этган (4-диаграмма).


4-диаграмма



Валюталар қирқимида NPLнинг 65 фоизини **миллий валютадаги** ва 35 фоизини **хорижий валютадаги** кредитлар ташкил этса, мижозлар қирқимида 25 фоизи **жисмоний шахслар** ва 75 фоизи **корпоратив кредитлар** ҳиссасига тўғри келади (5-диаграмма).

**Жисмоний шахсларнинг** NPLи таркибида ипотека кредитлари улуши **28** фоизни (1,2 трлн сўм), истеъмол кредитлари **10** фоизни (425 млрд сўм), микроқарзлар **7** фоизни (304 млрд сўм) ташкил этди.

5-диаграмма



**Тармоқлар қирқимида** NPL улуши қурилиш соҳасида **9,3** фоизни, савдо ва умумий овқатланишда **9,0** фоизни, қишлоқ хўжалигида **6,6** фоизни, саноат соҳасида **3,6** фоизни, жисмоний шахслар кредитларида **5,2** фоизни, уй-жой коммунал хизмат кўрсатишда **14,2** фоизни ҳамда бошқа соҳаларда **3,8** фоизни ташкил этди (6-диаграмма).

6-диаграмма




NPLнинг улуши бўйича тижорат банклари гуруҳланганда **12 та банкда** 0,1 дан 3 фоизгача (банк тизими жами активларида улуши 23,6 фоиз), **9 та банкда** 3,1 дан 5 фоизгача (63,7 фоиз) бўлса, **10 та банкда** 5,1 фоиздан юқори бўлиб, жами активлардаги улуши 10,9 фоизни ташкил этган.

Ҳисобот санасига тизим активларида асосий улушни (63,7 фоиз) ташкил этган банкларда NPL улуши **3,1 дан 5 фоиз** орасида шаклланиб, **мақбул даражада** бўлган.

Шунингдек, йил бошига нисбатан **3 та** банкда (активлари 52 трлн сўм) NPL улуши 0,1 дан 3 фоизгача пасайган бўлса, **2 та** банкда (активи-3,7 трлн сўм) NPL улуши 3,1 дан 5 фоизгача ошган (7-диаграмма).

7-диаграмма




Банклар фаолиятида юзага келган кредит хатарларининг улар молиявий барқарорлигига бўлган салбий таъсирини юмшатиш мақсадларида тижорат банклари томонидан NPL бўйича **6,1 трлн сўм** миқдорда **захиралар шакллантирилган**.

Ҳисобот санасига NPLнинг захиралар билан қопланиш даражаси **36 фоизни** ташкил этган.

Бунда, NPLнинг захиралар билан қопланиш даражаси корпоратив кредитларда **47 фоиздан 40 фоизга** ва чакана кредитларда **44 фоиздан 25 фоизга** пасайган.

Мазкур ҳолат йил давомида юзага келган йирик миқдордаги NPL бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларни босқичма-босқич шакллантириш чоралари кўриляётганлиги билан изоҳланади (8-диаграмма).

8-диаграмма




Соф NPL<sup>1</sup>нинг капиталга нисбати йил бошига нисбатан **1,3 фоизга** ўсиб, **14,3 фоизга** етган (9-диаграмма).

Бунда, соф NPLнинг ўсиш суръати капиталниқига нисбатан юқориқ бўлишига қарамасдан, бугунги кунда тижорат банклари капитал буферлари қўшимча **21 трлн сўм миқдоридаги рискни қоплаш** ёки банк тизими кредит портфелида **6 фоиз миқдорида захира шаклантириш** потенциалига эга.

Шу билан бирга, мазкур капитал захиралар соф NPLни **7 баробарда** қоплаш имконини беради.

9-диаграмма




## Ликвидлилик

2022 йил 1 июль ҳолатига банкларнинг жами депозитлари қолдиғи **185 трлн сўмни** ташкил

этиб, уларнинг **27 фоизи** аҳоли маблағлари ва **73 фоизи** юридик шахслар депозитлари маблағлари ҳисобидан шаклланган.

Жами депозитлар қолдиғи жорий йил бошига нисбатан **29 трлн сўм** ёки **18,5 фоизга** ўсган ҳолда уларнинг жами мажбуриятлардаги улуши ушбу даврда 42 фоиздан **44 фоизга** етган (10-диаграмма).


10-диаграмма



Банкларнинг депозитлари таркибидаги муддатли депозитларнинг улуши йил бошидан ўзгармаган ҳолда **55 фоиз** даражасида сақланиб қолган. (11-диаграмма).

<sup>1</sup> NPLдан улар бўйича яриталган захиралар чегирилгандаги қолдиқ


11-диаграмма



Жами депозитларнинг долларлашув даражаси 2022 йил 1 июль ҳолатига **41 фоизни**, шундан юридик шахслар депозитлари бўйича **42 фоизни** ҳамда жисмоний шахслар депозитлари бўйича эса **39 фоизни** ташкил этган.

Жами депозитлар ва юридик шахсларнинг депозитлари бўйича долларлашув даражаси йил бошига нисбатан 2 фоизга, жисмоний шахслар депозитларининг долларлашув даражаси эса **5 фоизга** ўсган (12-диаграмма).

12-диаграмма




Шунингдек, миллий валютадаги депозитларнинг даромадлилиги хорижий валютадаги депозитларга (*хорижий валюта курси ўзгариши ҳисобга олинганда*) нисбатан **4 баробаргача** юқори эканлигини қайд этиш лозим.

Бунда, миллий валютадаги депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси **14 фоизни**, хорижий валютадаги депозитлар бўйича эса **3 фоизни** ташкил этган.

Юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши жорий йил бошига нисбатан **2,5 фоиз** бандга ошиб, ҳисобот санасига **20,2 фоизга** ёки **97,1 трлн** сўм етган.

12-диаграмма




Юқори ликвидли активларнинг ўсиши асосан банкларнинг хорижий валютадаги маблағларининг **44 фоизга** ошиши ҳисобига тўғри келган. (12-диаграмма).

Банкларнинг ликвидлик буферлари асосан миқдорларнинг депозит маблағлари ўсиши ҳисобига ошган.


Банкларнинг қисқа муддатли ликвидлик кўрсаткичи ликвидликни қоплаш меъёри коэффиценти (LCR) йил бошига нисбатан **19,1 фоиз** бандга ўсиб, **208,7 фоизга** етган. Бунда, банкларнинг 30 кундаги соф чиқимлари **14,5 фоизга** ўсган бўлса, юқори ликвидли активлар суммаси **28 фоизга** ўсган (13-диаграмма).

13-диаграмма



Шунингдек, банкнинг узоқ муддатли ликвидлик кўрсаткичи соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти **116,1 фоизни** ташкил қилган (14-диаграмма).

14-диаграмма






## Рентабеллик кўрсаткичлари

Банклар томонидан жорий йилнинг январь-июнь ойлари давомида **47,2 трлн** сўм даромадлар олиниб, **42,4 трлн** сўм харажатлар амалга оширилган ва соф фойда **4,8 трлн** сўмни ташкил этган.

Капитал рентабеллиги (ROE) кўрсаткичи **13,2 фоиз**, активлар рентабеллиги (ROA) эса **2,7 фоиз** даражасида шаклланган (15-диаграмма).

15-диаграмма




Активлар ва капитал рентабеллиги кўрсаткичлари жорий йил февраль ва март ойларида пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бунга, ушбу ойлarda кредитлар бўйича йўқотишларга қарши шакллантирилган захира-

лар ҳамда валюта операциялари (СВОП, хорижий валютанинг қайта баҳоланиши) бўйича харажатлар ўсганлиги сабаб бўлса, кейинги ойлarda эса **фоизсиз даромадларнинг** кескин ўсиши ҳисобига яхшиланган.

Банк ходимларининг иш унумдорлигини баҳоловчи операцион самарадорлик кўрсаткичи халқаро амалиётда унинг мақбул даражаси 50% атрофида қабул қилинган бўлиб, ушбу кўрсаткич **банк тизимида 26,3 фоизни** ташкил этган.

Тизимнинг **операцион харажатлари 6,1 трлн** сўмни ҳамда **операцион даромадлари** (соф фоизли ва фоизсиз даромадлар) **23,2 трлн** сўмни ташкил қилган (16-диаграмма).

16-диаграмма



Операцион самарадорлик кўрсаткичи **январь-апрель** ойларида ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиб, банкларнинг **мобайл банкинг** тизимини ривожлантириш, **мобил иловаларни** кенг жорий этиши ва банк **дастурий таъминотини** ривожлантириш учун йўналтирилган харажатларнинг ўсиб борганлиги билан изоҳланади.

*Маълумот учун: апрель-июнь ойларида фоизсиз даромадларининг юқори суръатларда ўсиши ўз навбатида операцион самарадорлик кўрсаткичининг ушбу ойларда пасайиб боришига сабаб бўлган.*